International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service
Vol. 1 Issue 1 | pp. 216-220 **| ISSN:** XXXX-XXXX
Available online @ https://globalconf.net/index.php/samisi

Article

Priority Areas and Principles for Ensuring the Financial Stability of Agricultural Enterprises

Sattarov Tulqin Abdikhalilovich*[1]

1. Samarkand Institute of Economics and Service, PhD
* Correspondence: 99-306-77-73

Abstract: Based on the theory of successive stages of economic development, the article examines priority areas and principles for ensuring the financial stability of agricultural enterprises. Six economic stages of forming and distributing financial resources in 1992–2026 are identified, and the legislative framework, core, main factor and advantages of each are described. The regularities of stage succession and the priority properties and criteria of financial stability are substantiated. The balance between system-wide and selective state financial policy and the principles for selecting objects of state support are proposed.

Keywords: agricultural enterprises, financial stability, economic stages, financial resources, priority areas, selective policy, multiplier effect.

Мавзунинг долзарблиги

Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда таркибий сиёсатнинг устувор йўналишларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун иқтисодий ривожланишнинг объектив тенденцияларини ва иқтисодий босқичларнинг изчил алмашиниши қонуниятларини билиш зарур [3]. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида [1] агробизнес учун қулай муҳит яратиш ва тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида [2] эса барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, амалиётда давлат қўллаб-қувватлаши кўпинча юқори рентабеллик ёки тез қопланиш мезонлари асосида тақсимланади. Бу эса стратегик вазифаларни ҳал этишга хизмат қиладиган, самараси яқин келажакда намоён бўлмайдиган йўналишларни эътибордан четда қолдиради. Бозор муносабатлари етарлича ривожланмаган шароитда истиқболли инновацион йўналишларга талаб ўз-ўзидан шаклланмайди, корхоналарнинг тез ўзгараётган инновацион муносабатларга мослашувчанлиги эса паст бўлиб қолмоқда. Шу боис молиявий барқарорликнинг устувор йўналишлари ва давлат қўллаб-қувватлаши тамойилларини илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади – иқтисодий босқичлар алмашиниши қонуниятлари асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий

Citation: Abdikhalilovich, S. T. Priority Areas and Principles for Ensuring the Financial Stability of Agricultural Enterprises. International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service 2026, 1(1), 216-220.

Received: 24th Aug 2026
Revised: 26th Sep 2026
Accepted: 28th Oct 2026
Published: 22nd Nov 2026

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted for open access publication under the terms and conditions of the Creative Commons Attribution (CC BY) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

барқарорлигининг устувор йўналишлари ва тамойилларини асослаш. Тадқиқотда тарихий-мантиқий, қиёсий ва таркибий таҳлил ҳамда илмий абстракция усулларидан фойдаланилди.

Эришилган натижалар. Тадқиқотда иқтисодий босқич молиявий муносабатларнинг умумий мақсадлари билан бирлашган, молиявий ресурсларни шакллантиришдан уларни тақсимлаш ва жойлаштиришгача бўлган ёпиқ циклни қамраб олувчи ўзаро боғлиқ ишлаб чиқаришлар мажмуаси сифатида талқин қилинди. Иқтисодий босқич ҳаётий цикл, устуворлик даври ва молиявий муносабатлар ядроси билан тавсифланади [4]. Унинг ҳаётий цикли шаклланиш, ўсиш, етуклик ва пасайиш фазаларини ўз ичига олади, устуворлик даври эса 30 йилгача давом этади. 1992–2026 йиллардаги босқичлар 1-жадвалда умумлаштирилган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, молиявий-кредит ресурсларини шакллантириш ва тақсимлаш жараёни олтита иқтисодий босқични ўз ичига олади. Дастлабки босқичлар (1992–2000 йй.) давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ҳамда молиявий-кредит ва солиқ муносабатларини унификация қилиш билан боғлиқ бўлган. 2001–2016 йилларда давлат томонидан тартибга солиш, экспорт салоҳиятини ошириш, микромолия хизматлари ва инқирозга қарши чора-тадбирлар асосий омилга айланди. Ҳозирги олтинчи босқичнинг (2016–2026 йй.) ядросини рақобатбардош молиявий-кредит институтлари ва уларнинг инновацион хизматлари ташкил этади: кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги корхоналари учун молиявий-кредит муносабатлари, лизинг хизматлари ва инвестициялар ҳажми ривожланмоқда. Еттинчи босқич эса шаклланиш жараёнида бўлиб, унинг ядросини биотехнологиялар, сунъий интеллект, ижтимоий ва молиявий-кредит хизматлари ташкил этади.

Иқтисодий босқичлар алмашинишининг қуйидаги қонуниятлари аниқланди: эргашувчи мамлакатлар етакчи мамлакатлар босиб ўтган траекторияни тезроқ босиб ўтади; халқаро меҳнат тақсимотига самарали қўшилиш фақат бешинчи ва олтинчи босқичларнинг айрим соҳаларида рақобат устунликларига эга бўлиш орқали мумкин, барча базавий соҳаларни бир вақтда ривожлантиришга интилиш эса ресурсларнинг тарқалиб кетишига олиб келади; истиқболли инновацион йўналишларда капитал концентрацияси

1-жадвал. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш иқтисодий босқичларининг умумлаштирилган тавсифи[1]

Шаклланиш ва ривожланиш даври	Иқтисодий босқичлар даври					
	1992–1995 йй.	1996–2000 йй.	2001–2005 йй.	2005–2008 йй.	2008–2016 йй.	2016–2025 йй.
Қонунчилик ҳужжатларини шакллантириш даври	Турли мулк шаклидаги корхоналарнинг молиявий муносабатларини шакллантириш	Янги молиявий муносабатларга мослашиш	Қонунчилик ҳужжатлари мазмунини унификация қилиш	Қонунчилик ҳужжатларини ташқи омиллардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш	Жаҳон молиявий инқирозининг салбий ҳолатларини олдини олиш мақсадида инқирозга қарши дастур ишлаб чиқиш	Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг унификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда

[1] Муаллиф томонидан иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган.

Шаклланиш ва ривожланиш даври	Иқтисодий босқичлар даври					
	1992–1995 йй.	1996–2000 йй.	2001–2005 йй.	2005–2008 йй.	2008–2016 йй.	2016–2025 йй.
						қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш
Қонунчилик ҳужжатларини мустаҳкамлаш	Молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлашнинг бозорга йўналтирилган механизмларининг вужудга келиши	Қонунчилик ҳужжатларини унификация қилиш	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан ривожланган молиявий-кредит ва солиқ муносабатларининг мослашувчанлигини таъминлаш	Бюджет муассасаларига молиявий-кредит хизмат кўрсатишнинг янги тизимини жорий этиш	Инқирозга қарши чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш	Қонунчилик ҳужжатларини инқирозга қарши даврларга мослаштириш
Бозорга йўналтирилган иқтисодий корхоналар ядроси	Корхоналар монополияси ва асосан давлат мулк шаклларини ташкил этиш	Қишлоқ хўжалиги ҳамда қазиб олувчи саноат корхоналарида янги турдаги хўжалик юритувчи субъектларни шакллантириш	Оғир ва енгил саноат соҳасидаги кичик субъектлар учун молиявий-кредит муносабатларини, шунингдек лизинг ва сервис молиявий-кредит хизматларини шакллантириш	Хорижий инвестициялар ва рангли металлургия корхоналарининг ўсиши, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ишлаб чиқариш, синтетик материаллар, органик кимё, нефть ва газни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги	Молиявий институтлар ишбилармонлик фаоллигининг ўсиши, молиявий-кредит муносабатларини легаллаштириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари маҳсулотлари нархлари тизимини шакллантириш	Рақобатбардош молиявий-кредит институтлари, молиявий-кредит институтлари хизматларининг инновацион ривожланиши
Асосий омил	Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш	Молиявий-кредит ва солиқ муносабатлари тизимини унификация қилиш	Молиявий-кредит ва солиқ муносабатларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш	Солиқ ва кредит қўллаб-қувватлаши орқали субъектларнинг экспорт салоҳиятини ошириш	Микромолия ва микрокредит хизматлари	Янги иш ўринларини яратиш мақсадида иқтисодиётнинг асосий субъектларини, хусусан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий-кредит жиҳатдан қўллаб-қувватлаш
Янги босқич молиявий институтларининг шаклланаётган ядроси	Молиявий институтларнинг ҳуқуқий асослари	Молиявий-кредит ва солиқ муносабатларини юмшатиш	Молиявий ресурсларни капиталлаштириш орқали янги турдаги молиявий-кредит институтларини шакллантириш	Қувурлар қурилиши, авиация саноати, газ ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, рангли металлургия соҳа-ларига инвестиция киритиш мақсадида янги молиявий	Янги эркин иқтисодий зоналарни қўллаб-қувватлаш институтларини шакллантириш	Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида хавфсиз молиявий-кредит институтларини шакллантириш ва фаолиятини таъминлаш

Шаклланиш ва ривожланиш даври	Иқтисодий босқичлар даври					
	1992–1995 йй.	1996–2000 йй.	2001–2005 йй.	2005–2008 йй.	2008–2016 йй.	2016–2025 йй.
				институтларни шакллантириш		
Ушбу ривожланиш босқичининг олдингисига нисбатан устунлиги	Молиявий институтларда молиявий ресурсларни жамлаш	Молиявий-кредит ва солиқ механизмларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда концентрациясининг ўсиши	Жалб қилинган инвестицион капиталлар асосида молиявий-кредит муносабатларининг мослашувчанлигини ошириш	Сифат жиҳатидан янги ва оммавий молиявий-кредит ҳамда солиқ хизматлари	Жаҳонда юз бераётган молиявий инқирозлар, экологик омиллар ва телекоммуникация технология-ларидан келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида молиявий-кредит ресурсларини шаклланти-риш ва улардан фойдаланишни индивидуаллаштириш, бюджет ресурслари ва уларнинг даражаларини мослашувчан шакллантириш	Юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш, молиявий-кредит институтлари сервис хизматларининг ўсиши, инвестицион капиталлар экспортининг ортиши (яъни маҳаллий капиталларни иқтисодий жиҳатдан самарали соҳаларга жойлаштириш)

давлат томонидан мақсадли рағбатлантирилиши зарур [3].

Шу асосда молиявий барқарорликнинг устувор хусусиятлари асосланди: мослашувчанлик, тежамкорлик ва самарадорлик, инновационлик, экологик барқарорлик ва ижтимоий йўналтирилганлик. Молиявий барқарорлик сиёсатининг мезонлари сифатида замонавий технология ва инновациялар асосида ривожланиш, рақобат устунликларидан самарали фойдаланиш, ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилияти ва зарур шароитларни (озиқ-овқат ва экологик хавфсизлик, илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш, хавфларни суғурталаш) яратиш таклиф этилди. Мезонлар «ё у, ё бу» тамойили асосида эмас, балки уйғунликда қўлланилиши лозим.

Давлат сиёсатининг икки тури – умумтизимли ва селектив сиёсат ўртасидаги нисбат асосланди. Умумтизимли сиёсат барча бозор субъектлари учун иқтисодий, институционал ва ҳуқуқий муҳитни шакллантиради, селектив сиёсат эса муайян тармоқ ва корхоналарга мақсадли таъсир кўрсатади. Корхоналарни селектив молиявий қўллаб-қувватлаш умумтизимли талаблар бажарилгандагина, аввало инқироздан чиқиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тиклана бошлаган босқичда самарали бўлади.

Давлат молиявий қўллаб-қувватлаши объектларини танлашнинг учта тамойили таклиф этилди: маҳсулотга ички ва ташқи тўловга қобил талаб ўсишининг истиқболлари мавжудлиги; маҳсулотнинг арзон хомашё, энергия ва ишчи кучи, минимал экологик харажатлар каби рақобат устунликларига эга бўлиши [5]; хомашё етказиб берувчи тармоқлар, қурилиш ва транспорт хизматларига талабни оширувчи мультипликатив таъсир.

Хулосалар

1. Молиявий барқарорликнинг устувор йўналишларини белгилашда иқтисодий босқичлар алмашиниши қонуниятларини ҳисобга олиш уларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини оширади.
2. 1992–2026 йиллардаги олтита иқтисодий босқич таҳлили ҳозирги босқичда рақобатбардош молиявий-кредит институтлари ва уларнинг инновацион хизматлари қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий барқарорлигининг ядросига айланганини кўрсатади.
3. Корхоналарни фақат рақобатбардошлиги ёки юқори рентабеллиги асосида устувор деб белгилаш етарли эмас: улар прогрессив инновацион-иқтисодий ривожланиш траекториясида жойлашиши ва молиявий ресурсларни шакллантиришнинг янги босқичида иштирок этиши лозим.
4. Молиявий барқарорлик мезонлари (мослашувчанлик, тежамкорлик, инновационлик, экологик барқарорлик, ижтимоий йўналтирилганлик) ўзаро уйғунликда қўлланилиши, анъанавий ва энг янги ишлаб чиқаришлар ўртасида эса оптимал мувозанат таъминланиши зарур.
5. Селектив молиявий қўллаб-қувватлаш умумтизимли сиёсат талаблари бажарилган шароитда ҳамда тўловга қобил талаб, рақобат устунликлари ва мультипликатив таъсир тамойиллари асосида танланган объектларга нисбатан қўлланилгандагина самарали бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «“Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

[3] Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. – М.: ВлаДар, 1993.

[4] Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения: избранные труды. – М.: Экономика, 2002.

[5] Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations. – New York: The Free Press, 1990.